







ОЗ-ОЗ ЎНГАНИШ ДОНО БЎЛҮР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ КАЙКОВУС ҲИКМАТЛАР

Розингни ўзингдин ўзга кишига айтмагил, агар айтсанг, сўнгра уни роз демагил.

Халойикнинг орасида бир кишининг кулоғига сўз айтиш яхши эмасдур. Агар бу сўз гарчанд яхши сўз бўлса ҳам, ташқарисиндин уни ёмон сўз деб гумон қиладилар ва кўп одамлар бир-бирларидан даргумон бўладилар.

Совуқ сўз бир тухумдур, ундин душманлик ҳосил бўлур.

Агар ҳар қанча доно бўлсанг ҳам ўзингни нодон тутгил, токи сенга хунар ўргатиш эшиги ҳамisha очик бўлмай.

Кўп билиб, оз сўзлагил ва кам билиб кўп сўз демагил.

Хомушлиқ саломатлик сабабидур.

Ақлсиз киши хомуш бўлса, уни оқил ҳисоблайдилар.

Ҳар кишига сўз айтур бўлсанг қарагил, ул сенин сўзингга ҳаридорму ёки ҳаридор эмасму?

Дононинг панд-насихати кўнги кўзин равшан қилур, нединким, ул панд ақл ва ҳикмат кўзининг сурмаси ва тўтиёсидур.

Ўзини доно саногон нодондин парҳез қилгил.

Агар розингни душман билмасин десанг, дўстингга айтмагил.

Ҳар кишининг (билими) бўлса-ю, аммо унга лойиқ ақли бўлмаса, бу билим унга зарар ет-карғусидур.

Агар халқ сенин ҳақингда яхши сўз айтарин тиласанг, халқ ҳақида яхши сўз айтгил.

Агар шармисор бўлмайин десанг, қилмагон ишни қилдим дема.

Агар ўз сирингни очилишини истамасанг, биронинг сирин фох қилмагил.

Қарилар қанчалик йигитлик орзусида бўлсалар, йигитлар ҳам бешак қарилар орзусидадурлар. Лекин қарилар ул орзуга етибдурлар, аммо йигитларга маълум эрмаским, бул орзуга улар ё етгайлар, ё етмагайлар.

Барча халойикнинг умри кўёш янглиғдур: йигитларнинг кўёши машриқдур, қариларнинг кўёши магрибадур ва магрибада бўлгон кўёш тез ботғусидур.

Қарилар то ўлғунча қарилар ранжидин асло кутулмаслар. Ундин бошқа ҳар иллат борки, ул иллатнинг ҳар кун яхшироқ бўлмоқ умиди бордур, аммо қарилар илллати ҳар кун ёмонроқ бўлар ва яхшилиқ умиди йўқдур.

Одамнинг қуввати то ўттиз тўрт йилгача ҳар кун зиёда бўлур. Ўттиз ёшдин сўнғ кўёш осмоннинг ўртасига етгондек зиёда бўлмай ва нуқсон топмай турур. Ундин сўнғ ботиш сайри охи-тароқ бўлмай. Қирқ ёшига етгондин сўнғ то элик ёшгача ҳар йил ўзида нуқсон кўрғайким, бурунги йилда кўрмамиш бўлмай. Элик ёшдин олтмиш ёшгача ҳар ой ўзида нуқсон кўрарким, аввалги ойда кўрмамиш бўлмай. Агар ёши олтишдан ўтса, ҳар соатда дард ва ранж кўрғайким, ўтгон соатда кўрмамиш бўлмай.

Яхши нарсани кўйиб, ундин яхшироқ нарсани талаб қилмагил, бундай маҳалда тамаъ била ундин ҳам бебахра қолгайсан.

Агар шароб ичмасанг, икки жаҳон фойдасини топгундур: Ҳақ таолонинг хушнудлигин ҳосил қилгундур ва халқнинг маломатидин кутулгундур.



Маълумки, республикада мустақиллик йилларида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оиланинг муқаддаслигини ёшлар онгига синдириш борасида катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг «Ёш оилалари моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу

мустаҳкамлаш, оиланинг муқаддас ришта эканлигини синдириш мақсадида Мудофаа вазирлиги тизимида ўзига хос маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда, — дейди Мудофаа вазирлигининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Бахтияр Ташмиров. — Бугунги тадбир ҳам ана шуларнинг

Танловлар

ХАЙРЛИ ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЗАДИ

КУНИ КЕЧА ШАҲРИМИЗДАГИ МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА «ЭНГ НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛА» РЕСПУБЛИКА КҮРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжат асосида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, имтиёзли ипотека ва истъомол кредити олган кўпга ёш ҳарбий оилалар уйли бўлди. Ўз хонадонларини зарур мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан жиҳозлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда Халқаро оила куни муносабати билан ҳарбий оилалар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, оилалар фаровонлигига эришиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «Оила — ишончли маскан» ширси остида ўтказилган «Ибратли ҳарбий оила» курик-танлови ҳам фикримиз далилидир.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу тадбирда танловнинг биринчи, иккинчи босқичларида голибликни кўлга киритган ўн нафар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари «Саломлашув», «Оилам — кичик Ватаним», «Савол-жавоб», «Биргаликда ишлаймиз», «Эркин мавзу» шартлари бўйича беллашдилар. Ушбу танловни кузатар эканмиз ҳарбий оилалар орасида халқимизга намуна қилиб кўрсатишга арзишли, Ватан сарҳадларини қўриқловчи, юксак эҳтиромга сазовор бўлган бахтли оилалар соҳибларининг борлиги кўнглимизни қувончга тўлдирди. Танлов иштирокчилари ҳар бир шарт юзасида ўзаро беллашар эканлар, ўзларининг билим ва иқтидорлари, қақшон ва топқир, интилуван эканликларини кўрсатдилар. Шундай қилиб тадбирда биринчи ўринни Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда шартнома асоси-



да хизмат қиладиган сержант Зафар Юсупов оиласи кўлга киритди. Иккинчи ўрин Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик муҳандислик билим юрти вакили капитан Ҳабибулла Қурчиев оиласига насиб этди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти вакили майор Олимжон Қултоев оиласи эса учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Голиб ва иштирокчиларга Мудофаа вазирлигининг биринчи, иккинчи, учинчи даражали дипломлари ва қимматбаҳо совғалари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, «Энг қақшон оила», «Энг болажон оила», «Энг қувноқ оила» каби номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, уларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тадбир иштирокчилари ва меҳмонлар учун Темирийлар тарихи Давлат музейи ҳамда муқаддас кадамжоларга саёҳат уюштирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова, Мудофаа вазири Р.Мирзаев иштирок этди.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «ЭНГ НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛА» КУРИК-ТАНЛОВИДАН ЛАВҲАЛАР. ҲАКИМЖОН СОЛИХОВ ОЛГАН СУРАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ 2008 ЙИЛДАГИ ҲАМКОРЛИК РЕЖАСИГА АСОСАН ШАҲРИМИЗДАГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ВА СПОРТ МАЖМУАЛАРИДА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.



ЎҚУВЧИЛАР КЕНГ ҚАМРАБ ОЛИНДИ

Ана шундай тадбирлардан бири куни кеча Чилонзор туманидаги Фадул Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ёнида ўтказилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан уюштирилган ушбу мусобақада 7-8-9-синф ўқувчилари кросс югуриши бўйича беллашдилар. Мусобақаларда тумандаги 32 та мактабдан жами 64 нафар ўғил-қизлар иштирок этди. Қизлар 1000 метр, ўғил болалар 1500 метр масофага югуриш бўйича ўз маҳорат ва иқтидорларини намойиш қилишди. Бундай тадбирлар жумладан, Миробод туманидаги «Ми-

робод» болалар спорт мажмуасида ҳам ўтказилди. Яъни бу ерда Ўзбекистон очик чемпионати мусобақалари «У-шу» федерацияси томонидан у-шу жанг санъати бўйича ташкил этилди. Тадбирда юртимизнинг барча вилоятларидан шарқ яккакураши ишқибозлари, ўқув муассасаларидан вакиллар иштирок этишди. Чет эллик спорт ишқибозларидан ҳам мусобақалар меҳмони бўлишди. Шуниси қувонарлики, халқ таълими тизимидаги мактаблар спорт залларида чоршанба кунлари жисмоний тарбия дарсларини «Очиқ дарс» шаклида, шанба ва якшанба кун-

лари барча спорт майдон ва залларида «Очиқ эшиклар куни» тадбирларини ташкил этиш аънава шаклига кириб бормоқда. Шу маънода Чилонзор туманидаги 182-мактаб спорт залида ўтказилган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» спорт мусобақасини мисол қилиб келтириш мумкин. Унда 90 нафар оилавий жамоа иштирок этди. Бундай тадбирларда ота-оналарнинг ҳам фаол иштирок этиши, буви-жонларнинг фарздан ва набираларини олқишлаш учун келганлари таҳсинга лойиқдир.

РОҲИЛА ЭРҒАШЕВА, ЎЗДЖТУ ТАЛАБАСИ СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган мусобақалардан лавҳалар

ОҚГУЛНИНГ РЕЙТИНГДАГИ ПАРВОЗИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТЕННИС УЮШМАСИ (WTA) ДУНЁДАГИ ЭНГ КУЧЛИ КАТТА РАКЕТКА УСТАЛАРИНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Унга кўра, Ўзбекистоннинг биринчи рақамли ракеткаси Оқгул Омонмуродова яна етти поғона юқорилаб, умумий рўйхатда эллик саккизинчи ўринда қайд этилди. Бу ҳамюртимиз фаолиятидаги юқори ўриндир. Шунингдек, халқаро ташкилот жадвалига ўзбекистонлик тажрибали ракетка устаси Ирода Тулаганова, истеъодли ёш теннисчилар — Влада Екшибарова, Александра Колесниченко, Албина Ҳабибуллина ҳамда Дилёра Саидулова ҳам киритилди.

Умумий рўйхатда эса бельгиялик Жустин Энин етакчилик қилмоқда. Россиялик Мария Шарапова ҳамда сербиялик Анна Иванович эса кучли уликдан жой олди.

УМИДЛИ СПОРТЧИЛАР БАҲСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ТЕННИС БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗДАН ТАШҚАРИ ТОЖИКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОНДАН КЕЛГАН ЖАМИ 130 НАФАР ЁШ СПОРТЧИ ГОЛИБЛИК УЧУН ҚОРТГА ЧИҚДИ.

1993-1995 йилларда туғилган қизлар иштирокидаги финал баҳсида ҳамюртимиз Поли-

на Меренкова Қозоғистондан келган Виола Пантеллидини мағлубиятга учратиб, мусобақа голибаси бўлди. Ўғил болаларнинг халқувчи беллашувида фарғоналик Артём Арустамиян тошкентлик Шухрат Гизатуллинни енгди. Ўн икки ёшгача бўлган теннисчилар ўртасидаги ўйинларда тошкентлик Яна Хон ва қозоғистонлик Роман Ҳасанов ўз тенгқурлари ўртасида тенгсиз, деб топилди.

ЁШ СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА БАДМИНТОН БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНЛАНДИ.

1990 йилда туғилган ўғил болалар ўртасидаги беллашувларда барча рақибларини мағлубиятга учратган тошкентлик Темур Каримов галаба қозонди. Пойтахтнинг яна бир вакили — Сўхбат Убайдуллаев ва андижонлик Масрур Ҳасанов кучли ўйиндан жой олди.

Қизлар баҳси финалида мезбон бадминтончилар — Мария Саватюгина ва Валерия Муштакова ўзаро беллашди. Қизқарли ўтган учрашувда зафар қўчган М.Саватюгина олтин медални, В.Муштакова эса қумуш медални кўлга киритди. Бронза медал ҳам пойтахтлик Вероника Исмоиловага теғди.

1991 йилда туғилган ўғил болалар баҳсида кучли улик тошкентлик Эмиль Мирғалаятдинов, Бобур Тешабоев ва Николай Гавриловдан таркиб топди. Қизлар ўртасида Комила Жумабекова, Ольга Колева (иккаласи ҳам Тошкентдан) ҳамда Малика Шукурова (Андижон) ўзини кўрсатди.

Ўн олти ёшли ўсмирлар ва қизлар баҳсида Андижон бадминтончилари — Фарход Каримов ва Сурайё Аҳмаджонова голиб чиқди. Мансур Нажмиддинов (Андижон) ва Ксения Сура (Тошкент) иккинчи, тошкентлик Артём Саватюгин ва Комила Зоҳидова учинчи ўринни эгаллади.

Жуфтликлар ўртасидаги беллашувларда Те-

мур Каримов ва Эмиль Мирғалаятдинов, Комила Жумабекова ҳамда Валерия Муштакова барча рақибларини мағлубиятга учратиб, чемпионлик унвонига сазовор бўлди. Арашлар жуфтликлар баҳсида эса Темур Каримов ва Ольга Колева зафар қўчди.

РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ СПОРТ МАЖМУИДА ТРАМПОЛИН БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИДА ЭЛЛИК НАФАРГА ЯҚИН СПОРТЧИ ГОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

БАЛАНД САКРАГАН ГОЛИБ!

Батутда сакраш бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган мусобақада чемпионлик учун юртимизнинг энг тажрибали спортчилари — Екатерина Хилько ва Анна Савкина ўзаро рақобатлашди. Бу галги баҳсда голиблик рақибасига нисбатан тажрибалироқ бўлган Екатерина Хилькога насиб қилди. Лекин Олимпиадасига йўланма олган Анна Савкина эса иккинчи ўрин билан қифояланди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Моҳина Иброҳимова учинчи ўринни эгаллади.

Эрақлар ўртасидаги беллашувларда совринли ўринларга Павел Ситкин, Марат Мустафин ва Амиран Бабаев кўтарилди.

Батутда синхрон сакраш машқларида чемпионлик шохсупаси Анна Нинкова ҳамда Анна Савкина дуэтга насиб қилди. Екатерина Хилько ва Моҳина Иброҳимова иккинчи, Сайёра Тожибоева ҳамда Анастасия Федоренчик жуфтлик учинчи ўриндан жой олди.

Эрақлар баҳсида Марат Мустафин ва Хусан Жонибековнинг чиқиши ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Қолган совринларни Павел Ситкин ва Евгений Синагуллин, Сергей Макиян ва Амиран Бабаев жуфтликлари кўлга киритди.

Акробатик йўлакда сакраш бўйича хотин-қизлардан Дилёра Зухурова мамлакат чемпи-

«АЛГОРИТМ» ЯНА ЧЕМПИОН

ГАНДБОЛ БЎЙИЧА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ ТОШКЕНТНИНГ «АЛГОРИТМ» ЖАМОАСИ ГАЛАБАСИ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ.

Пойтахтлик гандболчи қизлар якуний — тўртинчи турнинг охириги икки учрашувида «Ўзбекистон Миллий университети»ни (Тошкент) 39:12, «Жиззах олимпия заҳиралари спорт коллежи»ни (Жиззах) 45:21 ҳисобида мағлубиятга учратиб, умумий ҳисобда 39 очко жамғарди.

Ўтган йилги мамлакат чемпиони — «Олмалик кон-металлургия комбинати» (Олмалик) гандболчи қизлари эса бу гал қумуш медал билан қифояланди. «Жиззах олимпия заҳиралари спорт коллежи»дан (Жиззах) 35:25 ҳисобида устун келган «Ўзбекистон Миллий университети» жамоасига насиб қилди.

Мамлакат чемпионатининг бронза медали «Жиззах олимпия заҳиралари спорт коллежи»дан 20:14, «Урганч олимпия заҳиралари спорт коллежи»дан (Урганч) 35:25 ҳисобида устун келган «Ўзбекистон Миллий университети» жамоасига насиб қилди.

«Урганч олимпия заҳиралари спорт коллежи» 40:20 ҳисобида енгиб, «Жиззах олимпия заҳиралари спорт коллежи» билан 25:25 ҳисобида дуранг ўйнаган «Андижон олимпия заҳиралари спорт коллежи» вакиллари чемпионатни кучли тўртликда яқунлашди.

Боҳир БЕК

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ
Буюртма Г-406

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашир кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусxada босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрига етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6
Топширилган вақти: 14.22